

«ЎзРТХБ» АЖ Кенгаши
Баённомаси томонидан
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«ЎзРТХБ» АЖ биржа аъзолари ҳамда савдо майдончаларининг рўйхатга
олувчиларининг компьютер техникасининг ҳисоб регламенти**

Тошкент - 2016 й.

I. Умумий қоидалар

Мазкур регламент «ЎзРТХБ» АЖ (бундан буён - Биржа) Устави, ЎзРТХБдаги Биржа савдоси Қоидалари ва Биржа савдо майдончаларининг фаолиятларини ташкил этиш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ишлаб чиқилган, инсталляция, ҳисобларни юритиш, ҳамда Биржа аъзолари ва савдо майдончалари рўйхатга олувчиларининг компьютер техникаларини ҳисобдан чиқариш тартибини белгилайди.

1. Мазкур регламентда қуйидаги тушунчалар фойдаланилади:

инсталляция (ўрнатиш) – Биржа аъзолари ёки савдо майдончаларини рўйхатга олувчиларнинг компьютер техникаларига дастурий таъминотни ўрнатиш жараёни.

Ахборот технологиялари бўлими – биржа савдолари электрон тизимларининг техник хизматлари, ҳамда Биржа аъзолари ёки савдо майдончаларини рўйхатга олувчиларининг компьютер техникаларини ёқиш ёки ўчиришни амалга оширувчи Биржанинг тизимли бўлинмалари.

савдо майдончаларини рўйхатга олувчиси – Биржада белгиланган тартибда текширувларни ўтказадиган ва ўтказилган Биржа савдолари натижаларига кўра тузилган битимлар (шартномалар)ни рўйхатга олиш (расмийлаштириш) бўйича вазифаларини амалга оширувчи жисмоний шахс;

стикер – компьютер техникаси юзасига ёпиштириш учун мўлжалланган ва ягона тартиб рақамига эга бўлган махсус елимли ёрлик;

трейдер – биржа савдоларида иштирок этувчи ва Биржа аъзолари номидан Биржа битимларини тузишга ваколатланган Биржа аъзоси ходими;

Биржа аъзоси – Биржа савдоларида белгиланган тартибда иштирок этиш ва дилерлар, маркет-мейкерлар ва брокерлар сифатида биржа битимларини тузиш ҳуқуқини олувчи юридик шахс.

2. Биржа аъзолари ва савдо майдончаларини рўйхатга олувчининг компьютер техникаларини инсталляция қилиш ва стикерларни ёпиштириш бепул асосда олиб борилади.

II. Компьютер техникаларини рўйхатга олиш ва уни инсталляция қилиш тартиби

3. Трейдернинг автоматлаштирилган иш жойи ва ҳисоб-клиринг хизматларини тақдим этиш учун Биржа ва Биржа аъзоси ўртасида шартнома тузилганидан сўнг Биржа аъзоси биржа филиалига (бундан буён - Филиал) мазкур регламентнинг 1-Иловасида ифода этилган, техник талабларга мос келувчи, ишлайдиган компьютер техникаларини тақдим этади.

4. Биржа ва савдо майдончалари ўртасида шартнома тузилганидан сўнг савдо майдончаларини рўйхатга олувчи Филиалга 1-Иловада ифода этилган, техник талабларга мос келувчи, ишлайдиган компьютерларни тақдим этади.

5. Филиалга компьютер техникаларини тақдим этишда Биржа аъзоси ёки савдо майдончаларини рўйхатга олувчиси 2-Иловага мувофиқ компьютер техникаларини рўйхатга олиш варақасини расмийлаштиради ва топширади.

6. Компьютер техникасини рўйхатга олиш варақаси ва техниканинг ўзи Филиалнинг масъул шахслари томонидан қабул қилинади.

7. Компьютер техникасини инсталляция қилиш ва ягона рақамлаштириш билан стикерларни пломбалаш Филиалнинг масъул шахслари томонидан 2-иш куни давомида амалга оширилади ва кўрсатилган маълумотлар ягона электрон реестрига киритилади.

8. Компьютер техникаларининг инсталляция қилинган ва пломбаланган стикерларини бериш фақат рўйхатга олиш варақалари тўлдирилган ва компьютерни ягона электрон реестрга киритилганидан сўнг амалга оширилади.

9. Бузилган жойларни тузатиш ёки қўшимча ускуналарни (сканер, принтер ва бош.) ўрнатиш стикерларни рўйхатга олиш ва пломбаланганидан сўнг фақат Филиал ёки Ахборот технологиялари Бўлими (бундан буён- Бўлим) ходимлари томонидан амалга оширилади.

Бегоналарга юқоридаги ҳаракатларни амалга ошириш таъқиқланади. Мураккаб диагностикани талаб қилувчи мураккаб таъмир ҳамда узелларни алмаштириш ихтисослаштирилган устахоналарда амалга оширилиши лозим.

Компьютер 4-Илова формаларига мувофиқ олдиндан ҳисобдан чиқарилган бўлиши мумкин.

10. Компьютер техникасини филиал ёки савдо майдончаларида ўрнатилганидан сўнг, Филиалнинг масъул ходими ушбу компьютер техникасининг IP ва MAC манзилларини фаоллаштириш ва ёқиш учун Бўлимга бу ҳақида хабар беради. Бунда, худудий филиалларнинг маклерлари филиалларда ва компьютер техникалари савдо майдонларида мавжуд бўлган ҳисобларни 3- Иловага мувофиқ форма бўйича юритиши лозим.

III. Рўйхатга олинган компьютер техникаларини ҳисобдан чиқариш тартиби

11. Компьютер техникасининг эгаси ўзгарганида, брокерлик идорасининг тартиб рақами ўзгарганида, фирма номи ўзгарганида, рўйхатга олувчи ўзгарганида, компьютер техникаси эгаси Филиалга янги реквизитлар билан янги рўйхатга олиш варақасини тақдим этиши лозим. Ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни Филиалнинг масъул ходими Бўлимга тақдим этади.

Брокерлик идораси ёпилса, брокерлик идораси ва савдо майдончалари рўйхатга олувчиси ёки 4-Иловага мувофиқ ушбу компьютер техникаси жойлаштирилган филиал маклери ўртасида компьютер техникасини ҳисобдан чиқариш тўғрисида Акт тузилади.

Бунда, стикерлар олиб ташланади ва 3-Иловага мувофиқ формага ўзгартиришлар киритиш учун 3 иш куни давомида Филиалга тақдим этилиши лозим бўлган Актга қўшилади, ҳамда ўзгаришлар ҳақида Бўлимга хабар берилади.

Савдо майдончалари ёпилса, савдо майдончасининг рўйхатга олувчисининг компьютер техникаси ҳисобдан чиқарилиши лозим.

IV. Биржа аъзолари ҳамда савдо майдончаларининг рўйхатга олувчисининг компьютер техникаларини назорат қилиш ва ҳисобга олиш

12. Инсталляцияни ташкил этиш, стикерларни ёпиштириш, компьютер техникасини рўйхатга олиш ва ҳисобдан чиқаришни назорат қилиш Бўлим томонидан Филиалларнинг масъул ходимлари билан биргаликда амалга оширилади.

13. Варақалар ва Актларни сақлаш Филиалнинг ваколатланган ходимлари томонидан амалга оширилади.

14. Бўлим Филиалнинг масъул ходимлари билан Биржа аъзолари ва савдо майдончаларининг рўйхатга олувчисининг компьютер техникаларини ягона ҳисобини юритади. Ҳисобнинг ягона электрон реестри қуйидаги маълумотларни ўз ичига олиши лозим:

а) регион

б) савдо майдончасининг рақами (агар филиал бўлса, филиал регионини кўрсатинг)

в) брокерлик идорасининг рақами, брокернинг (трейдер) исми, шарифи, фирма номи

г) стикерларнинг рақамлари

д) компьютер техникасининг тартиб рақами

е) компьютер техникасининг техник тавсифи.

V. Яқуний қоидалар

15. Мазкур Регламентнинг талабларини мониторинг ва назорат қилиш Бўлим томонидан амалга оширилади.

16. Ушбу Регламентнинг талабларини бузган шахс қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Савдо майдчаларини рўйхатга олувчилар ва трейдерлар учун компьютер техникаси параметрлари учун талаблар

	Минимал	Тавсия этилган
Асосий тўлов	Чипсетлар базасида Intel 915,945,G31,G41 (ёки шунга ўхшаш) Socket LGA 775	Чипсетлар базасида H61-H81 (Windows XP ёрдамида)
CPU (Процессор)	Intel Core 2 Duo	Intel G2010,G2020,G2030,Core i3 (Socket 1155)
RAM (Оператив хотира)	DDR II 2 Гб	DDR III 2 Гб
HDD (Винчестер)	ATA-SATA 40 Гб	SATA 320-500 Гб
Оптик узатма CD-DVD	DVD	DVD
Тармоқ картаси (LAN)	Мажбурий	Мажбурий
Монитор	LCD-LED	LCD-LED

Регион _____ CM № _____ Ws

Брокерлик идораси № _____

Процессор _____

CD ROM _____

Хотира _____

Case _____

HDD _____

Стикер №№ _____

Масъул шахс _____

(маклер/рўйхатга олувчининг исми шарифи, филиал мухри/ТП)

Эгаси _____

Компьютер менинг хузурида пломбаланди (брокер/трейдернинг исми шарифи, мухр)

Компьютер техникасини рўйхатга олиш

ЖУРНАЛИ

Регион _____,
манзил _____

СМ

№ _____,

IP-

№ БК	Ф.И.О.	Фирма номи	Стикерлар		Ws	MAC	Изоҳ
			1	2			

**Компьютерни ҳисобдан чиқариш ҳақида
Акт**

Биз, қуйида имзо қўювчилар, маклер (СМ рўйхатга олувчи №) _____

_____ Брокернинг исми, шарифи, Фирма номи

қуйидаги актни туздик:

БИга тегишли компьютерда № _____
_____ Фирма номи

ва _____ да рўйхатга олинган ws№ _____ стикерларнинг бутунлиги текширилди.

_____ филиалда ёки СМ

Компьютер № _____ ва № _____ стикерлар билан пломбаланган.

Зарар етказилган стикерлар аниқланмади.

Стикерлар икки томон ҳузурида олинди ва _____ топширилди.
_____ Маклер ёки СМ рўйхатга олувчи

Акт 2 нусхада тузилди ва икки томонга берилди.

_____ областда (имзо, мухр) Ф.И.О
_____ маклер / ёки СМ рўйхатга олувчи

_____ БИ № _____, (имзо, мухр) Ф.И.О
_____ фирма номи